



Асосий адабиётлар:

1. Valiev X.I., Murodov Sh.O., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, Darslik. T. Fan va texnologiya, 2010. - 167 b.
2. Murodov Sh.O., Valiev X.I., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, O’quv qo’llanma. T. Aloqachi, 2007. - 160 b.
3. Авакян А.Б., Широков В.М. «Комплексное использование и охрана водных ресурсов», Учебное пособие. Москва: 1990. – 322 с.
4. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. “Water Resources Planning and Management ”, Published in the United States of America by Cambridge University Press, New York: 2011. – 801 p.
5. **Maxmudova I.M., Saloxiddinov A.T. Qishloq yaylovlar suv ta’minoti. – T.: Shinor-ENK, 2013. – 151 b.**

**Мавзу: Коммунал хужалик ва саноат СХМ катнашувчилари нинг
манбадаги сувни микдорига, сифатига, режимига ва ресурсини
кафолатланганлик даражасига талаблари. СХМ
катнашувчиларини сув билан таъминлаш навбати ва тартиби**

Режа:

1. СХМ катнашувчилари нинг манбадаги сувни микдорига талаблари;
2. СХМ катнашувчилари нинг манбадаги сувни сифатига талаблари;
3. СХМ катнашувчилари нинг манбадаги сувни режимига талаблари;
4. Сув ресурсларини таксимлашда СХМ катнашувчилари нинг мавкеини хисобга олиш;
5. СХМ катнашувчиларини сув билан таъминлаш навбати;

- Сув ресурсларидан катта микдорда ва микёсда фойдаланиш табиатдаги ва халк хужалиги тизимидағи мавжуд bogланишларни узгаришига олиб келади (Ижобий самарадорлик билан бирга салбий окибатларни вужудга келиши)
- Бутун сув хужалиги тизимини ягона мажмуа деб караб, мавжуд табиий шароитларнинг эхтимолий узгаришларини хисобга олиб халк хужалигининг турли тармокларида сувнинг микдорига ва сифатига булган талабларини узок муддатли башоратлаш асосида уни лойихаланган такдирда буладиган салбий окибатларни сезиларсиз даражада булишини таъминлаш мумкин.
- Сув хужалиги тизимини бошкаришни ташкиллаштиришни сув хужалик мажмуасини (СХМ) барпо килиш асосида амалга ошириш керак. **СХМ - мавжуд сув ресурслари билан барча халк хужалик тармокларини сувга булган талабини оптималь равишда каноатлантириш имкониятини берувчи, сув ва сув билан bogлик табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни амалга оширувчи тадбирлар ва иншоатлар мажмуасидир.**

- Хар бир СХМ катнашувчиси манбадаги сувни микдорига, сифатига, режимига ва ресурсини кафолатланганлик даражасига турли талаблар күяди. Бу талаблар амалдаги турли мөйёрий ва бошка хужжатларда асосланган.
- СХМ катнашувчиларины сувнинг микдорига куйилган талаблари асосан йил давомида истеъмолчига ёки фойдаланувчига сувни қандай режимда берилиши зарурияти билан белгиланади.
- Коммунал-рузгор хужалиги, саноат тармоклари, иссиқлик энергетикаси, чорвачилик, согликни саклаш каби СХМ катнашувчилари сув ресурсларини 95 % ли кафолатланганлик даражасини талаб киладилар. Сугорма дехкончилик эса 75 – 90 % ли кафолатланганликни ва сув энергетикаси – 50 – 75 % ли кафолатланганликни талаб киладилар ва х.к.
- Хар бир СХМ катнашувчисинг сувни сифатига ва микдорига узига хос талаблари бор.



- Коммунал хужалиги ичимлик сувининг сифатига амалдаги “Ичимлик суви” давлат андозаси талабларига тулик жавоб берадиган сув булишини талаб килади,
- Саноат корхоналари “Саноатни турли соҳаларида сув истемол килиш ва окова сув чиқаришни йириклиштирилган меъёрлари”да келтирилган талабларга жавоб берадиган сувни талаб киладилар,
- Иссиклик энергетикаси айникса буг хосил килиш учун ишлатиладиган сувни сифатига нихоятда юкори талаблар куяди,
- Чорвачилик учун ишлатиладиган сувни сифати “Чорвачиликда сув истемол килиш ва окова сув чиқаришни йириклиштирилган меъёрлари ва кишлок ахоли яшаш пунктларини марказлаштирилган сув таъминоти тизими”да келтирилган талабларга жавоб берадиган сув талаб киладилар,
- Дехкончилик эса сугоришда ишлатиладиган сув сифати буйича тупрокни шурланишини юзага келтирмайдиган ва кишлок хужалик экинларига салбий таъсир курсатмайдиган сифатдаги сув булишини талаб киладилар ва х.к.

Сув хужалиги мажмуаси катнашувчиларини сув истеъмол килиш ва сувдан фойдаланиш графиги

| № | Истеъмолчилар НОМИ | M ³ | Суткалик соатлар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|----------------------------|----------------|------------------|--------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|--|
| | | % | 0-1 | 1-2 | 2-3 | 3-4 | 4-5 | 5-6 | 6-7 | 7-8 | 8-9 | 9-10 | 10-11 | 11-12 | 12-13 | 13-14 | 14-15 | 15-16 | 16-17 | 17-18 | 18-19 | 19-20 | 20-21 | 21-22 | 22-23 | 23-24 | |
| 1 | Ахоли | 1080 | 8,1 | 8,1 | 10,8 | 10,8 | 32,4 | 59,4 | 59,4 | 37,8 | 37,8 | 64,8 | 91,8 | 91,8 | 59,4 | 64,8 | 54 | 54 | 37,8 | 37,8 | 64,8 | 64,8 | 64,8 | 32,4 | 21,6 | 10,8 | |
| | | 100 | 0,75 | 0,75 | 1 | 1 | 3 | 5,5 | 5,5 | 3,5 | 3,5 | 6 | 8,5 | 8,5 | 5,5 | 6 | 5 | 5 | 3,5 | 3,5 | 6 | 6 | 6 | 3 | 2 | 1 | |
| 2 | Саноат корхонасі | 200 | | | | | | | | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | 12,5 | | |
| | | 100 | | | | | | | | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | 6,25 | | |
| 3 | Чорвачилек фермасы | 15 | | | | | | 3 | 1,5 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 3 | 3 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 3 | | | | |
| | | 100 | | | | | | 20 | 10 | 1 | 1 | 1 | 1 | 20 | 20 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 20 | | | | |
| 4 | Трактор парки | 9,5 | | | | | | | 0,95 | 0,95 | 0,095 | 0,095 | 0,095 | 0,095 | 0,95 | 0,95 | 0,095 | 0,095 | 0,095 | 0,095 | 0,095 | 1,14 | 1,9 | 1,9 | | | |
| | | 100 | | | | | | | 10 | 10 | 1 | 1 | 1 | 1 | 10 | 10 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 12 | 20 | 20 | | | |
| 5 | Ремонт устахонасі | 7 | | | | | | | | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | 0,7 | | | | | | |
| | | 100 | | | | | | | | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 | | | | | | |
| 6 | Күкапаламзорлашты риш | 318,6 | | | | | | 79,65 | 79,65 | | | | | | | | | | | | | | | | 79,65 | 79,65 | |
| | | 100 | | | | | | 25 | 25 | | | | | | | | | | | | | | | | 25 | 25 | |
| 7 | Жами суткадагы соатлар | 1630,10 | 8,100 | 8,100 | 10,800 | 10,800 | 32,400 | 142,050 | 141,500 | 51,400 | 51,245 | 78,245 | 105,245 | 108,095 | 76,550 | 79,100 | 67,445 | 67,445 | 51,245 | 51,245 | 78,590 | 82,200 | 79,200 | 124,550 | 113,750 | 10,800 | |
| | | 100 | 0,497 | 0,497 | 0,663 | 0,663 | 1,988 | 8,714 | 8,680 | 3,153 | 3,144 | 4,800 | 6,456 | 6,631 | 4,696 | 4,852 | 4,137 | 4,137 | 3,144 | 3,144 | 4,821 | 5,043 | 4,859 | 7,641 | 6,978 | 0,663 | |
| 8 | Жами усіб бориш тартибы | 1630,10 | 8,100 | 16,200 | 27,000 | 37,800 | 70,200 | 212,250 | 353,750 | 405,150 | 456,395 | 534,640 | 639,885 | 747,980 | 824,530 | 903,630 | 971,075 | 1038,520 | 1089,765 | 1141,010 | 1219,600 | 1301,800 | 1381,000 | 1505,550 | 1619,300 | 1630,100 | |
| | | 100 | 0,497 | 0,994 | 1,656 | 2,319 | 4,306 | 13,021 | 21,701 | 24,854 | 27,998 | 32,798 | 39,254 | 45,886 | 50,582 | 55,434 | 59,571 | 63,709 | 66,853 | 69,996 | 74,817 | 79,860 | 84,719 | 92,359 | 99,337 | 100,000 | |

- СХМКни сув билан таъминлашни навбатлашириш алоҳида ахамиятга эгадир. Бу масалани ечиш асосига давлатнинг ижтимоий-сиёсий максади куйилади. **Бизнинг мамлакатимизда асосий максад табиий бойликлардан самарали фойдаланиши ташкил килиш асосида ахолининг фаровон хаётини таъминлашдир.**
- СХМК сувга булган талабини кондиришни навбатга соловчи куйидаги 3 тоифага булиш максадга мувофиқдир.

I. **Кишилар хаётини бевосита таъминловчи СХМК.**

1. Коммунал хужалик:
 - ичимлик суви;
 - хужалик суви;
 - кукаламлашириш учун сув;
 - санитария максадлари учун сув;
 - ёнгинга карши ишлатиладиган сув;
 - озик овкат саноати учун сув.
2. Согликни саклаш ва дам олиш;
3. Физкультура ва спорт;
4. Экология максадлари учун сув;
5. Чорва молларини сув билан таъминлаш;
6. Баликчилик ва ш.у.

II. Кишилар хаёти учун зарур, аммо сув ресурслари етмаган холларда уларни жойлаштириш майдонлари узгартирилиши ва махсулотини ахолига келтириб берилиши мумкин булган СХМК:

1. Саноатни но озик-овкат тармоклари;
2. Сугорма дехкончилик;
3. Иссиクリк энергетикаси.

III. Иктисод учун зарур, аммо сув ресурслари етмаган такдирда махсулотини бошка тармок махсулоти билан алмаштирилиши мумкин булган СХМК:

1. Гидроэнергетика;
2. Сув транспорти;
3. Ёгоч оқизиш ва х.к.

Сув истемол меъёри

- Сув истемоли меъёри деб – 1 истемолчи 1 сутка давомида талаб қиладига сув миқдорига айтилади.
- Сув истеъмоли меъёрлари “Шахарсозлик нормалари ва (ШНҚ) 2.04.02-2019” дан олинади.
- Оқова сув меъёри “Шахарсозлик нормалари ва (ШНҚ) 2.04.03-2019” бўйича аниқланади.

| № | Ободонлашганлик даражаси | Сув истемол мөнгө, л/сут. |
|----|---|---------------------------|
| 1. | Марказлашган иссиқ сув таьминоти билан жихозланган бинолар учун | 230-290 |
| 2. | Ванна хамда махаллий сув иситиш тизими билан жихозланган бинолар учун | 150-200 |
| 3. | Ваннаси булмаган жихозланган бинолар учун | 95-120 |

Суткали сув истемоли
күйидагича аниқланади.

$$Q_{сум} = N_{хис} \cdot P$$

Suvning sifati. Ichimlik suv sifatiga qo'yiladigan talablar


- Ichimlik suvning sifatiga O'zDSt 950:2011 talablari asosida belgilangan.
- **Ichimlik suvining fizik xossalari.** Toza ichimlik suvi tiniq, rangsiz, hidsiz, mazasiz va kasallik qo'zg'atuvchi bakteriyalarsiz bo'lishi kerak.
- **Ichimlik suvining kimyoviy xossalari.** Suvda mineral moddalar **kaltsiy** va **magniy** tuzlarining bo'lishi unga qattiqlik xossasini beradi. Qattiqlik «mg.ekv/l»

- Tabiiy suvlarni qattiqlik darajasi quyidagicha xarakterlanadi.

- 1. Yumshoq suv < 4 mg ekv/l
- 2. O'rta qattiqlikdagi suv 4-8 mg ekv/l
- 3. Qattiq suv 8-12 mg ekv/l
- 4. Juda qattiq suv > 12 mg ekv/l
- Daryo suvlarining qattiqligi odatda katta emas (1-6 mg ekv/l) Amudaryo suvining qattiqligi uning quyi oqimida vaqt vaqt bilan 16-18 mg ekv/l gacha etmoqda. **Ichimlik suvining qattiqligi 7 mg ekv/l dan ortmasligi lozim.**

- Tabiiy suvlarni minerallashganlik darajasiga qarab ular:
- Chuchuk suv - 200-500 mg/l
- Mo'tadil minerallashgan suv - 500-1000 mg/l
- Sho'rta'm suv - 1000-3000 mg/l
- Sho'r suv - 3000-10000 mg/l
- Yuqori mineralashgan suv - 10000-35000 mg/l
- Namakobga yaqinlashgan suv - 35000-50000 mg/l
- Namakob - 50000-400000 mg/l.ga bo'linishi mumkin.
- *Ichimlik suvda quruq qoldiq (suvni mineralizatsiyasi) 1000 mg/l dan ko'p bo'lmasligi zarur.*

Погонали ва интеграль график




**ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲАДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИХАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА (25.05.2022)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲАДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА (25.05.2022)
- <https://lex.uz/ru/docs/5017983?ONDATE=25.05.2022#5018416>



БМТнинг прогнозларига кўра 2050 йилга келиб Марказий Осиё аҳолиси 93,4 млн. киши




САНОАТ СХМ катнашувчи сифатида

1. Саноат СХМни **сув истеъмолчи** гурухига мансуб булиб сув билан **биринчи навбатда озик-овкат саноати** кохоналари таъминланади ва **колган соҳалари иккинчи навбатда** таъминланади.
2. Саноатда сув: корхона ишчи-хизматчиларини ичимлик-хужалик сув таъминоти, хом ашё сифатида, технологик жараён, ёрдамчи жараёнларда (совутиш тизимида, худудни санитар холатини таъминлашда ва бошк), ут учирин ва сугориш максадлари учун зарурдир.
3. Корхона ишчи-хизматчиларини ичимлик-хужалик максадлари учун сувнинг сифати - DSt : 950 – 2011 "**Ичимлик сув**" талабларига тулик жавоб берадиган сув булиши шарт. Бу максад учун корхонани хар бир ишчи-хизматчисига **сменада 20-30 литр** сув берилиши керак, хамда бундан ташкари хар бир ишчи-хизматчига сменада 40-60 литр микдорида душ учун сув берилиши керак. Корхонада ёнгинни учирин учун уни ёнгинга хавфлилиги ва ахамияти буйича З соат давомида 5-30 л/с микдорида сув берилиши керак. Корхона худудини нормал санитар холатини таъминлаш ва сугориш учун сувни микдори уни майдони, иклими ва технологик жараёнлар тавсифига баглик холда хисоблаш йули билан аникланади. Бу максадлар учун сув тоза булиши шарт.

Технологик жараен учун ва хом-ашё сифатида ишлатиладиган сувни сифати "Саноатни турли тармокларида сув истемол килиш ва окова сув чикаришни йириклиштирилган меъёрлари" талабларига жавоб берадиган даражада булиши шарт.

1. Саноат корхонаси учун канча микдорда сув кераклигини, сувни канчаси окова сув сифатида ифлослантирилиб кайтарилиши ва технологик жараёнда сувни канчаси кайтмас тарзда сарфланиши корхона ишлаб чикарадиган махсулотининг бирлиги учун зарур булган сув истемол килиш, окова сув чикариш ва кайтмас сув сарфлаш меъёрлари кийматлари асосида корхонани йиллик махсулот хажми микдорига купайтириш йули билан аникланади.
2. Корхонада фойдаланилаётган технологик жараёнда кайтариладиган окова сувлар ва кайтмас тарзда сарфланадиган сувлар микдори унда жорий килинган сувдан фойдаланиш тизимига узвий боғлиқдир.
3. Хозирда саноатда 3 хил тизимда сувдан фойдаланиш амалга оширилмоқда

"Саноатни турли
тармокларида сув истемол
килиш ва окова сув
чикаришни йириклишастирилган
меъёрлари"



**СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТҮҒРИСИДА** 06.05.1993

<https://lex.uz/docs/12328>

**XIV боб. СУВ ОБЪЕКТЛАРИДАН
САНОАТ МАҚСАДЛАРИДА ВА
ЭНЕРГЕТИКА ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН
ФОЙДАЛАНИШ**

**57-модда. Ичимлик сувдан саноат
мақсадлари учун фойдаланишни
чеклаш**

**58-модда. Ер ости сувларидан
техника сув таъминоти ва бошқа
саноат мақсадлари учун
фойдаланиш**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартағи
82-сон қарорига Ўзбекистон Республикасида
сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби
түғрисида НИЗОМ

Саноат корхоналарида сув исътелом хамжи

$$W_{САН} = M_{САН} \cdot N_{САН} \text{ м}^3 / \text{йил.}$$

бу ерда:

$M_{САН}$ – саноатда ишлаб чиқариладиган йиллик махсулот хажми;

$N_{САН}$ –саноат махсулотининг бирлигига сарфланадиган сув сарфи, меъёри, м^3

Қайтмас сув сарфининг хажмини қўйдаги ифода оркали аниқланади.

$$W'_{САН} = M_{САН} \cdot N_{қайт.} \text{ м}^3 / \text{йил.}$$

Бу ерда; $N_{қайт.}$ – ишлаб чиқарилаётган махсулот бирлигига түғри келадиган қайтмас сув меъёри, м^3 .

А. Сувдан тугридан-тугри фойдаланиш

ТИЗИМИДА -сув манбадан олиниб биринчи навбатда сув тайёрлаш цехига ёки станциясига узатилади, у ерда ярокли холатга келтирилиб кейин **сув корхонанинг хар бир цехига ёки булимга узатилади, технологик жараёнда ифлосланган окова сув цехлардан ёки булимлардан чикарилиб махаллий тозалаш иншоотларига узатилади ва у ерда тозаланиб кейин манбага ташланади.** Бу тизимда манбадан доимо катта миқдорда тоза сув олиш керак булади.

Б. Сувдан кетма-кет фойдаланиш тизимида- сув манбадан олиниб биринчи навбатда сув тайёрлаш цехига ёки станциясига узатилади, у ерда ярокли холатга келтирилиб кейин **сув корхонани сувни сифатига энг юкори талаб куядиган цехига ёки булимига узатилади**, ишлатилган окова сувлар махаллий тозалаш иншоотларида **тозаланиб ундан кейинги цехга ёки булимга узатилади** ва бу ердаги технологик жараён тугагандан кейин колган окова сувларни яна махаллий тозалаш иншоотларида тозаланиб кейинги цехга ёки булимга узатилади, бу тартибда сувдан фойдаланиш корхонани хамма цехларида ёки булимларида технологик жараёнлар тугамагунча давом этади. **Охирги цехдан ёки булимдан чиккан окова сувлар махаллий тозалаш иншоотларида тозаланиб кейин манбага ташланади.** Бу сувдан фойдаланиш маълум даражада тоза сувни иктиисод килиш имконини беради

В. Сувдан ёпик циклда (кайта фойдаланиш тизимида) - корхонада сувдан икки хил йуналишда фойдаланилади:

1. **Сувдан ёпик циклда тугридан-тугри фойдаланиш тизимида** сув манбадан олиниб сув тайёрлаш цехига ёки станциясига узатилади, у ерда сувни сифати технологик жараён учун ярокли холатга келтирилиб кейин **сув корхонанинг хар бир цехига ёки булимига узатилади, технологик жараёнда ифлосланган окова сув** цехлардан ёки булимлардан чикарилиб махаллий тозалаш иншоотларига узатилади ва у ерда **тозаланиб сувни сув тайёрлаш станциясига ёки цехига узатилади** хамда яна технологик жараёнда фойдаланилади.

2. **Сувдан кетма-кет ёпик тизимда фойдаланиш** - сув манбаидан олиниб сув тайёрлаш цехига ёки станциясига узатилади, у ерда сувни сифати ярокли холатга келтирилиб кейин **сувни сифатига энг юкори талаб куядиган цехига ёки булимига узатилади**, бу булим ёки цехда ишлатилган окова сувлар махаллий тозалаш иншоотларида **тозаланиб кейинги цехга ёки булимга узатилади** ва бу ердаги технологик жараён тугагандан кейин колган окова сувларни яна махаллий тозалаш иншоотларида тозаланиб кейинги цехга ёки булимга узатилади, **бу тартибда сувдан фойдаланиш корхонани хамма цехларида ёки булимларида технологик жараёнлар тугамагунча давом этади**. Охирги цехдан ёки булимдан чиккан окова сувлар махаллий тозалаш иншоотларида тозаланиб уни сув тайёрлаш станциясига ёки цехига узатилади хамда яна технологик жараёнда кайта фойдаланилади.

Саноатда канча сув кайтмас тарзда сарфланиши ва канча сув ифлосланган окова сув сифатида кайтарилиши корхонада кандай тизимда сувдан фойдаланилишига **богликдир**. Саноат сув таъминотида шаклланадиган окова сувларга махаллий тозалаш иншоотларида тозалангандан сунг коладиган "колдик" ("хвост") ни бартараф килиш масаласи мухим масаладир. Хозирда бундай "колдик"ларни бартараф килишни уч хил технологик усуллари мавжуддир:

1. Махсус ховузларда күёш иссиклигиде **колдик таркибидаги сувни парлатиш** йули билан уни таркибидаги **ифлословчи моддаларни чукиндига тушириш** хамда улардан **иккиламчи ашё сифатида фойдаланиш** ёки чукиндини махсус контейнерларга жойлаб **саноат чикиндилари мозорига кумиш**;
- 2."Колдик"ни махсус печда сувини парлантириб печкани тубига тупланган чукиндини иккиламчи ашё сифатида фойдаланиш ёки чукиндини махсус контейнерларга жойлаб саноат чикиндилари мозорига кумиш;
- 3.**"Колдик"ни ер ости говакли ёки дарз катламларига катта босим остида жойлаштириш усули.** Бунинг учун худудда говакли ёки дарзли тог жинс катламларини танлаш учун махсус геологик кидирув ишларини олиб бориш натижасида худудни геологик ва тектоник тузилиши урганилади ва керак катлам танланади. Бу катлам куйидаги талабларга тулик жавоб бериши керак: - катта майдонда таркалган булиши керак; - катлам юкори ва пастдан катта калинликдаги сув утказмайдиган тог жинслари билан чегараланган булиши керак; - катламни яхлитлиги тектоник харакатлари билан бузилган булмаслиги керак, яъни турли синклар ёки бушашган жойлари булмаслиги керак.

1. Халқ хужалик тармоги СХМни кайси гурухига мансублиги?
2. СХМ катнашувчиси қандай навбатда ва тартибда сув билан таъминланади?
3. Истеъмолчига сув нима учун керак? (сув кайси эҳтиёжлар учун ишлатилади);
4. Канча сув керак? (истеъмол меъёри);
5. Канака сув керак? (сифат меъёри);
6. Микдор меъёрида олинган сувнинг канчаси тула узлаштирилади ва канчаси окова сув шаклида кайтарилади?
7. Окова сув сифати?
8. Қандай килиб окова сув тула йигилиши, тозаланиши ва кайта фойдаланилиши керак;
9. Қандай килиб истеъмол ва окова меъёрлари камайтирилиши, окова сув сифати тозарок сакланиши мумкин?
10. Сувдан фойдаланишда сув манбаидаги сув ресурслари ва сифатига таъсири ва уни яхшилаш чоралари?
11. Сувдан фойдаланишни табиий мухитга таъсири ва уни яхшилаш йуллари?
12. Сувдан фойдаланишни такомиллаштириш чора тадбирлари?